

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 30.08.2018. Fi1.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВА НАСИБА ЭРГАШЕВНА

**ХОРАЗМ ХАЛҚ ЛИРИК ҚЎШИҚЛАРИДА ПОЭТИК РАМЗЛАР
ТИЗИМИ ВА УЛАРНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ВАЗИФАЛАРИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Сабирова Насиба Эргашевна

Хоразм халқ лирик қўшиқларида поэтик рамзлар тизими ва уларнинг
бадий-эстетик вазифалари 3

Сабирова Насиба Эргашевна

Система поэтических символов в Хорезмских народных лирических
песнях и их художественно-эстетические функции 25

Sabirova Nasiba Ergashevna

The system of poetic symbols and literature-aesthetic functions in
the Khorezm folk lyrical songs..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 30.08.2018. Fi1.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВА НАСИБА ЭРГАШЕВНА

**ХОРАЗМ ХАЛҚ ЛИРИК ҚЎШИҚЛАРИДА ПОЭТИК РАМЗЛАР
ТИЗИМИ ВА УЛАРНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ВАЗИФАЛАРИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Fil441 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Рўзимбоев Сафарбой Рўзимбаевич**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Раҳмонов Насимхон Асқарович**
филология фанлари доктори, профессор

Рўзиева Моҳичехра Ёқубовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот: **Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади.

(Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-14; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____даги ___-рақамли реестр баённомаси).

Т.Мирзаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., академик.

Л.Худайкулова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

Ш.Турдимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, ф.ф.д..

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё фольклоршунослиги поэтик рамзларнинг фольклор ва адабий асарлардаги ўрни, инсон ижодий салоҳияти ва бадиий тафаккури моҳиятини идрок этишдаги мавқеи беқиёс бўлганлиги туфайли белги ва символларнинг архаик табиати, семиотик контекстни ифодалашдаги мифопоэтик функцияларини аниқлашга қаратилган янги илмий концепциялар юзага келди. Бу эса фольклор асарлари генезиси ва бадииятини ёритишда рамзий образлар моҳиятини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатди. Натижада ҳозирги замон фольклоршунослигида контекстуал семантика, семиотика, мифопоэтика каби йўналишлар изчил ривожлана бошлади. Ана шундай янги илмий-назарий қарашлар асосида рамзларнинг семиотик маънолари ва фольклор асарлари, жумладан, лирик кўшиқлардаги бадиий талқинини ўрганиш поэтик тафаккур қонуниятларини янада теранроқ тушунишга ёрдам бериши билан бир қаторда интеллектуал онгни яратиш билан боғлиқ дастурларни мукамаллаштиришга ҳам муайян даражада ҳисса қўшади.

Ҳозирги замон дунё фольклоршунослигида поэтик рамзларнинг шаклланиш жараёни «объект → муайян лексема билан ифодаланган экстралингвистик воқеликнинг семиотик талқини → белги-хусусиятни рамзий образ тарзида ифодаловчи архитиплар»дан иборатлиги исботланди. Бу эса рамзларнинг кўпмаъноли лингвопоэтик ва этномаданий ҳодиса эканлигини асослаш ҳамда халқ лирикасидаги анъанавий рамзларнинг келиб чиқиш манбалари ва рамзий образларнинг семантик функцияларини аниқлашга йўл очади.

Мамлакатимизда мустақилликка эришгач, мифопоэтик тафаккур ва семиотик архетиплар билан боғлиқ анъанавий рамзий образларни атрофлича тадқиқ этиш имконияти юзага келди. Бу эса халқ кўшиқларининг жанрлар таркибини, уларда ифодаланган ғоявий-бадиий хусусиятларни бадиий сўз кесимида текширишга, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялашда муҳим амалий аҳамиятга эга. Натижада, мамлакатимиз миқёсида «халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжоларини обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-27-28-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-28-29-сон «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // «Халқ сўзи». – Тошкент, 2017, 25 май.

тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги «ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқ лирик кўшиқларидаги рамзларнинг бадиий-эстетик табиатини ўрганишда фольклор поэтикаси тадқиқотчилари А.Н.Афанасьев, А.Н.Веселовский, А.А.Потебня, А.Ф.Лосев, Ю.М.Лотманнинг ишлари,² символ ва миф семантикасини тадқиқ этган К.Г.Юнг, А.Голан, С.С.Аверенцев, В.А.Глухов ва Н.И.Глухова каби олимларнинг асарларида³ илгари сурилган илмий-назарий концепциялар муҳим аҳамият касб этади. Рус фольклоршунослигида воқеликни бадиий ифода этишда поэтик символиканинг тутган ўрни Н.П.Колпакова, Г.М.Акимова, В.И.Еремина, С.Г.Лазутин каби олимларнинг тадқиқотларида чуқур таҳлил қилинган.⁴ Кейинги йилларда рамзларнинг бадиий контекстдаги поэтик талқинларига доир диссертация ишлари юзага келди.⁵

Туркий фольклоршуносликда ҳам халқ кўшиқларини ўрганишда рамзларнинг генетик асослари ва поэтик вазифаларини ёритишга эътибор

² Афанасьев А.Н. Поэтические воззрения славян на природу Т.1. – М.: Сов. писатель, 1995; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М., 1989; Потебня А.А. Символ и миф в народной культуре. – М., 2007; Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. – М.: Искусство, 1995; Лотман Ю.М. Символ в системе культуры // Лотман Ю.М. Избранные статьи в трех томах. Т.1. Статьи по семиотике и типологии культуры. – Таллин: «Александра», 1992. – С.191-199; его же: Семиосфера. – СПб: Искусство, 2000.

³ Юнг К.Г. Архетип и символ. – М.: Ренессанс, 1991; Голан А. Миф и символ. – М.: Русслит, 1993; Аверенцев С.С. Символ. – Киев: Дух литеры, 2001; Глухов В.А., Глухова Н.Н. Система символов песен финно-угров Урало-Поволжья. – М.: Спецкнига, 2012;

⁴ Колпакова Н.П. Русская народная бытовая песня. – М.: Наука, 1962. – 284 с.; Акимова Г.А. О поэтической природе народной лирической песни. – Саратов, 1966. – 172 с.; Еремина В.И. Поэтический строй русской народной лирики. – Л.: Наука, 1978. – 184 с.; Лазутин, С. Г. Поэтика русского фольклора. – М.: Высшая школа, 1981. – 221 с.

⁵ Уляшов О.И. Иерархия цветовой символики в обрядовой поэзии и устной прозе коми-зырян: Дисс... канд. филол. наук. – Сыктывкар, 1998. – 184 с.; Шабдарова Л.Е. Символика образов растительного мира в марийских народных песнях: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Йошкар-Ола, 2001; Габышева Л.Л. Слово в контексте мифопоэтической картины мира (на материале языка и культуры якутов): Автореф. дисс...д-ра. филол. наук. – М., 2003. – 56 с.; Ключева, Т. В. О символической роли названий растений в русских и немецких народных песнях: Автореф. дисс...д-ра. филол. наук. – М., 2004. – 58 с.

қаратилди.⁶ Ўзбек фольклоршунослигида халқ кўшиқларида қўлланилувчи рамзий образлар ва ибораларнинг табиати ҳамда ўзига хос жиҳатлари борасида М.Алавия, А.Мусақулов, А.Шаропов, М.Ёқуббекова, Ш.Турдимов, Д.Ўраева, М.Рўзиева, Ш.Имомназарова каби олимлар муҳим фикр-мулоҳазаларни билдирганлар.⁷ Тадқиқотимиз объекти бўлган Хоразм кўшиқларини тўплаш, нашр этиш ва илмий тадқиқ этиш масалалари бўйича Ж.Қобулниёзов, С.Рўзимбоев, Н.Қуронбоева, М.Жуманиёзова каби олимларнинг ишлари мавжуд.⁸

Илмий адабиётлар ва манбаларни ўрганиш обзори юзасидан юқорида билдирилган қисқача таҳлилий мулоҳазалар шуни кўрсатадики, Хоразм воҳасида оммалашган халқ кўшиқларининг матнида қўлланилган анъанавий рамзлар тизими аниқланиб, уларнинг тарихий-генетик асослари ва бадиий-эстетик вазифалари очиқ берилмаган.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университети «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Хоразм воҳаси ўзбек халқ кўшиқларидаги поэтик рамзлар тизимини тавсифлаш, рамзий образ ва тимсолларнинг мифопоэтик асослари, шеърини матндаги семантик талқинлари ва бадиий-эстетик вазифаларини аниқлаш ҳамда ўзбек халқ лирикасининг поэтик контекстидаги бадиий тасвир воситаларнинг ҳудудий-локал хусусиятларини очиқ беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқ лирикасининг бадиий воситаларини ўрганиш асосида рамзларнинг тарихий-тадрижий ривожини ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

⁶ Миннулин, К.М. Общая символика в песенной поэзии народов Поволжья и Приуралья / Типология татарского фольклора. – Казань, 1999. – С. 40-52; Гафиуллина К.Н. Национально-мифологические основы поэтики татарской народной песни: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Казань, 2005. – 26 с.; Идрисова К. Р. Поэтика татарских байтов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2013. – 26 с.; Хакимьянова А.М. Символика в башкирской народной песенной традиции // Вестник Челябинского государственного университета. Филология. Искусствоведение. Вып.90. – Челябинск, 2014. – №10 (339). – С.133-139; её же. Народные лирические песни: поэтическое своеобразие жанра: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Уфа, 2014. – 26 с.

⁷ Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974; Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – 306 б.; Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2005; Турдимов Ш. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях: Автореф. Дисс...канд. филол. наук. – Ташкент, 1987; Ўраева Д.С. Ўзбек халқ лирик кўшиқларида параллелизмларнинг характери ва бадиий-композицион вазифалари: Филол. фан-ри номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 20 б. Рўзиева М. Ўзбек халқ кўшиқларида ранг символикаси: Филол. фан-ри бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 46 б.; Имомназарова Ш.Х. Ўзбек фольклорининг ўлан жанри (ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва бадиияти): Филол. фан-ри бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 55 б.

⁸ Хоразм халқ кўшиқлари (тўплаб, нашрга тайёрловчи Ж.Қобулниёзов). – Тошкент: Ўзакадемнашр, 1965 (кейинги ўринларда “ХХК” тарзида кўрсатилади); Хуршиди жаҳон келди (тўпловчи ва нашрга тайёрловчи С.Рўзимбоев). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987; Рўзимбоев С. Халқ кўшиқларида параллелизмларни юзага келтирувчи манбалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, – 1972. – 1-сон. – Б. 81-84; Шу муаллиф. Хоразм воҳаси ўзбек халқ кўшиқларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари: Филол. фан-ри номз...дисс. – Тошкент, 1987. – 178 б.; Куронбоева Н. Хоразм тўй кўшиқлари: Филол. фан-ри номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 23 б.; Жуманиёзова М.Х. Хоразм халқ кўшиқлари лексикаси: Филол. фан-ри номз...дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 24 б.

кўшиқлардаги рамзий образларни унга ёндош бадий кўчимлар билан қиёсий тадқиқ қилиб, уларнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини белгилаш;

поэтик рамзларнинг Хоразм ҳудудига хос локал кўринишлари ва функционал-семантик типларини кўрсатиш;

қадимги мифопоэтик тасаввурлар ва мифларнинг поэтик рамзлар семантикасидаги изларини ёритиш;

Хоразм воҳаси ўзбек халқ кўшиқлари поэтик контекстидаги рамзларни тасниф қилиш;

лирик кўшиқлар таркибидаги осмон ёритқичлари, табиат ҳодисалари, қушлар ва ҳайвонот дунёси, турли буюм ҳамда предметларга алоқадор рамзий образларда яширинган мифопоэтик маъноларга ойдинлик киритиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм воҳасидан ёзиб олинган ўзбек халқ кўшиқларининг нашр қилинган намуналари ҳамда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви материаллари асосий манба қилиб олинди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек фольклорининг лирик турига мансуб халқ кўшиқлари поэтик матнидаги рамзларнинг тарихий-генетик асослари, қадимги давр фольклоридаги архетипларнинг мифопоэтик тафаккур ривожидан тутган ўрни, рамз ва унга ёндош бадий кўчимлар семантикаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, семиотик, этнофольклористик, матний таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

поэтик рамзлар аждодларимиз бадий тафаккурининг ривожланиб бориши жараёнида воқеликни сакрал-ритуал белгилар воситасида семиотик англаш аъёнаси асосида келиб чиққанлиги исботланган;

ўзбек халқ лирикасининг поэтик структурасидаги рамзлар миллий менталитет, воқеликни поэтик идрок этиш иқтидори ва бадий тафаккурнинг ўзига хослигини намоён этиш эувчи адабий-эстетик воситалардан бири эканлиги аниқланган;

лирик кўшиқлардаги мифопоэтик тасаввурлар, этномаданий қадриятлар ва ўғуз тип ижрочилигига хос бадий образларнинг акс этишини ареал фольклоршунослик аспектида текшириш натижасида ўзбек фольклоридаги рамзлар тизими ҳудудий-локал хусусиятга эгаллиги далилланган;

Хоразм лирик кўшиқларининг бадий контекстидаги рамзлар воҳа аҳолисининг мифик қарашлари, ҳосилдорлик культлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами тўғрисидаги инонч-эътиқодлари, осмон ёритқичларига доир астраль қарашлар, анимистик ва тотемистик тасаввурлар, рақамлар магияси, урф-одат ва маросимлар билан алоқадор символик образлардан иборатлиги жиҳатидан ўзига хослик касб этиши асослаб берилган;

минтақага хос бадий кўчимларнинг лирик кўшиқларда тутган ўрни ва вазифалари, рамзий образларда яширинган ички маънолар семантикаси, поэтик символлар генезиси ва эволюцияси қонуниятлари ойдинлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Хоразм воҳасининг ўзига хос этнофольклорий минтақа сифатидаги хоссалари ойдинлаштирилиб, воҳада куйланиб келган кўшиқларда ўзига хос поэтик кўчимлар тизими шаклланганлиги ва рамзий образлар силсиласи локал хусусиятлари билан умумўзбек фольклори анъаналаридан ажралиб туриши аниқланган;

Хоразм лирик кўшиқларидаги рамзий образлар тизими воҳа аҳолисининг этномаданий тарихи, дунёқараши, маросим ва урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлганлиги далиллаб берилган;

воҳа халқ кўшиқларида қўлланилган рамзий образларнинг поэтик моҳияти ва вазифаларини аниқлаш орқали чиқарилган хулосалар фольклор анъаналаридаги ҳудудлараро тафовутлар ва уйғун жиҳатларни тадқиқ этиш учун муҳим илмий-назарий аҳамият касб этиши асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги воҳа халқ кўшиқлари таркибидаги поэтик рамзларнинг маъно кўлами, тарихий тараққиёти ва ўзига хос вазифалари бевосита бирламчи манбалар ҳамда ишончли нашрлар асосида тадқиқ этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти рамзий образларнинг тарихий-генетик асослари ва бадиий эволюциясини тадқиқ этиш тамойилларини такомиллаштиришга доир умумлашма хулосалар берганлиги билан белгиланади.

Ишнинг материаллари ва хулосаларидан олий ўқув юртларида халқ оғзаки ижоди фанидан маърузалар ўқишда, дарслик, ўқув қўлланмалари ва мажмуалар яратишда, халқ лирикаси, фольклор назарияси ва семиотика бўйича махсус курслар ўтишда, халқ кўшиқларини ёзиб олиш ва нашр этиш методикасини такомиллаштиришда, фольклор асарларининг академик ва оммабоп нашрларини тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкинлиги ишнинг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм халқ лирикасидаги рамзларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган диссертация иши натижалари қуйидаги йўналишларда жорийланган:

поэтик рамзларнинг типологик хусусиятлари ва бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрнига доир илмий-назарий хулосалардан Бухоро давлат университетида бажарилган Ф-1-06 «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» (2012-2016) мавзусидаги лойиҳанинг истиқлол даври адабиётида яратилган бадиий асарлардаги поэтик рамзлар таҳлилига доир фаслини ёзишда кенг фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 19 октябрдаги 89-03/3589-рақамли маълумотномаси). Натижада ўзбек халқ кўшиқларидаги анъанавий тимсолларнинг истиқлол даври адабиётидаги тадрижий ривожига жараёнлари аниқланган;

қадимги давр фольклори ва мифологик тасаввурларнинг халқ лирикасидаги поэтик тимсолларнинг юзага келишидаги роли ва вазифаларига оид назарий хулосалар Навоий давлат педагогика институтида бажарилган «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳанинг бажарилишида амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 19 октябрдаги 89-

03/3589-рақамли маълумотномаси). Натижада мифопоэтик тимсолларнинг илк ёзма адабиётга диффузияланиши натижасида шакланган поэтик рамзларнинг фольклордаги заминини ойдинлаштиришга эришилган;

Хоразм халқ лирик кўшиқларидаги поэтик рамзлар тизимининг бадиий-эстетик вазифаларига доир илмий қарашлар Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг «Жавоҳирнома», «Адабий муҳит» радиоэшиттиришлари ҳамда «Муносабат», «Навозанда», «Хоразмнома» номли телекўрсатувларида, шунингдек, «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Тигиз пайт», «Қадрият» радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси давлат унитар корхонасининг 2018 йил 26 августдаги Ўз.к/1-154-рақамли маълумотномаси). Натижада ёш авлодни фольклор асарларида ўз ифодасини топган эзгу ғоялар руҳида тарбиялашнинг янги имкониятлари амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 4 та хорижий ва 2 та республика илмий конференцияларида ўқилган маърузаларда жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация бўйича 22 та илмий иш нашр этилган, шулардан Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 156 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзунинг ўрганилиш даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот хулосалари ва материалларининг жорийланиши, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши хусусида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Поэтик рамзларнинг тарихий асослари ва бадиий кўчимлар тизимида тутган ўрни**» номли биринчи бобининг дастлабки фасли «**Фольклоршуносликда рамзларнинг ўрганилиши тарихи**»га бағишланган.

Ўзбек фольклоршунослигида поэтик рамзларни тадқиқ этиш борасидаги дастлабки фундаментал ишлардан бири Ш.Турдимовнинг «Ўзбек халқ лирик кўшиқларида поэтик рамзлар» мавзусидаги номзодлик ишидир. У поэтик рамзларнинг юзага келиш омиллари, унинг ўхшатиш ва метафора каби кўчимлардан фарқи, рамзнинг миф ва параллелизмлар билан алоқаси, асосий

рамзий образлар ва уларнинг семантикаси ҳақида атрофлича фикр юритган.⁹ Олим ўзининг бир қатор мақолаларида рамзларнинг асосий хусусиятларини ёритиб берган бўлиб, ўзбек халқ кўшиқларидаги «рўмол» тимсоли мисолида рамзларнинг ўхшатиш ва истиора каби кўчимлардан туб фарқини кўрсатган. У «турмуш куриш» ва «оила» тимсоли вазифасида қўлланиладиган «том» рамзининг генезиси қадимий тушунчаларга боғлиқлигини ҳам исботлаган.¹⁰

Лирик кўшиқларнинг тарихий илдизларини ўрганган А.Мусақулов қадимий урф-одат ва инонч-эътиқодлар асосида юзага келган бадиий образлар воқеликнинг муайян тимсолий талқинлари сифатида контекстда поэтик кўчимга айланишини аниқлади.¹¹ М.Ёқуббекова халқ лирикасидаги гул, булбул, олма, анор, куён каби ўсимлик ва жониворлар образи айна пайтда рамз сифатида ҳам лингвопоэтик функция бажаришини қайд қилди.¹² М.Рўзиева эса рангларга нисбатан эстетик муносабатнинг шаклланиш асосларини текшириб, фольклордаги ранг рамзларининг етакчи хоссалари мифологик қарашларга боғлиқлигини очиб берди. Шунингдек, А.Шаропов, С.Рўзимбоев, И.Ҳаққулов, Н.Жуматова ва С.Ўтанованинг ранг билан боғлиқ поэтик образлар тадқиқига доир ишлари ҳам таҳлилга тортилган.¹³

Халқ кўшиқлари, умуман, фольклор ва ёзма адабиётнинг турли жанрларидаги поэтик рамзлар масаласини ёритишга бағишланган илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, энг қадимги поэтик кўчимлардан бири ҳисобланган рамзларнинг ҳар бири асар бадииятини очишда энг фаол восита вазифасини ўтайди.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли “**Поэтик рамзлар генезиси ва ўзига хос хусусиятлари**” деб аталган. Маълумки, овчилик ва чорвачилик билан боғлиқ турли белги-ифодалар қадимги аждодларимизнинг кундалик турмушида ўзига тегишли нарсаларни ўзгаларникидан фарқлашда муҳим аҳамият касб этган. Инсон тафаккури ривожлана боргани сайин ана шундай рамзий белги ва ифодаларнинг қўлланиш доираси ҳам аста-секин кенгаяверган. Воқеликни мифопоэтик идрок этиш анъанаси таъсирида кўшиқ айтиш, рақс тушиш каби санъатнинг архаик шакллари юзага келгач эса ов жараёни ёки жониворларга хос хатти-ҳаракатларни рамзий ифодалар воситасида рақсда намоёни этиш, кўрсатиб бериш усули шаклланган.¹⁴ Кейинчалик ана шундай рамзий-ритуал маросимларда муайян жонивор шаклига кириб, яъни унинг терисига ёпиниб ўйнаш анъанаси пайдо бўлгач, мифопоэтик код сифатидаги белги-ифодалар

⁹ Турдимов Ш. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Тошкент, 1987. – С.20.

¹⁰ Турдимов Ш. Лирик кўшиқларда рамз // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. – 3-сон. – Б. 16-19; Шу муаллиф. Ўзбек халқ кўшиқларида «том» рамзи // Адабий мерос. – Тошкент, 1987. – 2-сон. – Б. 69-73; Шу муаллиф. Лирик кўшиқларда рамз (иккинчи мақола) // Маърифат. – Тошкент, 2013, 23-февраль; Шу муаллиф. Хабарчи рамзлар (учинчи мақола) // Маърифат. – Тошкент, 2013, 2-март.

¹¹ Мусақулов А. Ўзбек халқ кўшиқларининг тарихий асослари. – Бухоро, 1994. – Б. 31.

¹² Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2005.

¹³ Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2017; Рўзимбоев С. Хоразм дostonларидаги рамзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1990. – 2-сон. – Б. 39-43; Ҳаққул И. Яна қора ранг талқини ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. – 3-сон. – Б. 17-24; Жуматова Н.С. Ҳозирги ўзбек шеърлятида ранг билан боғлиқ рамзий образлар: Филол. фан-ри номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2000. – Б. 24; Ўтанова С.Ҳ. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси: Филол. фан-ри номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2007. – Б.26.

¹⁴ Колер И., Ранке И., Ратцел Ф. История человечества (доисторический период). – СПб.: Полигон, 2003. – С.78.

рамзий-семиотик моҳият касб эта бошлаган. Тотемистик инонч-эътиқодларнинг маросимий шакли сифатида ижро этилган бундай ритуал рақсларнинг моҳияти рамзийликка асосланган. Чунки қадимги давр маданиятининг асосини ташкил этувчи культ-инончлар ҳамиша образ сифатида ўз қиёфасига эга бўлишга интилган, образ эса руҳнинг тимсоли бўлибгина қолмасдан, унда гавдаланган тасвирий ифода ҳамдир. Демак, рамзларнинг илк шакллари мифопоэтик табиатга эга бўлиб, сакрал-ритуал характер касб этган.

«Рамз», яъни «символ» лексемаси юнон тилидаги «symbolon» сўзидан олинган бўлиб, «белги», «нишон», «аломат», «тамға», «сигнал» каби бир-бирига яқин маъноларни ўзида мужассамлаштирган.¹⁵ Бу атама узоқ йиллар давомида гоҳ «аллегория», гоҳ «белги», баъзан «бадий образ», «жонлантириш», айрим ҳолларда «тамға», «ибора» тарзида талқин қилиб келинган.¹⁶ XIX аср охирида рамз ҳақидаги янги концепцияни илгари сурган А.Н.Веселовский символ, аллегория ва метафора билан алоқадор поэтик образларнинг психологик параллелизм билан боғлиқлигини асослаб берди.¹⁷ Бу назарий қарашни лингвистик нуқтаи назардан ривожлантирган В.В.Виноградов эса «символ поэтик нутқнинг муайян семантик бирлигидир»¹⁸ деган фикрни ўртага ташлади.

Символ масаласида бундай турлича қарашлар мавжудлигининг асосий сабаби ушбу поэтик кўчимнинг анъанавий семантикаси билан унинг бадий асардаги ўрни аниқ белгиланмаганлигидадир. Зеро, қачонлардир белги, тамға шаклида пайдо бўлган сакрал ифодалар асосида шаклланган поэтик рамзлар оддийгина ўхшатиш ёки метафора эмас. Чунки «символда предмет ва маъно ўртасидаги ўзаро боғланиш ўхшашликка, ички қарама-қаршиликка асосланади. Ташқи кўриниш (предмет) ва маъно ўртасидаги бу қарама-қаршилик поэтик символнинг моҳиятини ташкил этади».¹⁹ Бошқача айтганда, ҳар қандай символ ўзининг бевосита моҳиятидан четга чиқувчи предметга ишора қилади.²⁰ Шу жиҳатдан олганда, поэтик рамз учун танлаб олинган объект (предмет) семантик жиҳатдан кўп қиррали бўлиб, унинг фақат бир учигина умумий ўхшашликка келиб бирикади. Рамз моҳиятида анъанавий тасаввурлар, урф-одат ва маросимлар, халқнинг магик-мифологик дунёқараши акс этади. У ўзининг тадрижий тараққиёти натижасида оддий белгидан поэтик кўчим даражасигача ўсиб чиққан.

Мазкур бобнинг учинчи фаслида «**Халқ кўшиқларида рамз ва унга ёндош бадий кўчимлар**»нинг қиёсий тадқиқи амалга оширилган. Мажозларга асосланган кўчимларни соддадан мураккабга томон тадрижий ўсиб борувчи бадий воситалар сифатида баҳолаган Ш.Турдимовнинг фикрича, оддий ўхшатишнинг мураккаброқ шакли сифатида метафорани, метафорадан ҳам маъно доираси кенг ҳодиса сифатида символни кўрсатар экан, у олдинги ҳар

¹⁵ Лосев А.Ф. Проблемы символа и реалистическое искусство. – М.: Искусство, 1976. – С.18.

¹⁶ Ўша асар. – Б. 18.

¹⁷ Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – С.147-148.

¹⁸ Бутырлин К.М. Проблема поэтического символа в русском литературоведении (XIX-XX вв.) // Исследования по поэтике и стилистике. – Л.: Наука, 1972. – С. 249.

¹⁹ Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. – Б. 59.

²⁰ Лосев А.Ф. Кўрстайлган асар. – Б. 36.

иккала кўчимлардан жиддий фарқ қилишини уқдиради.²¹ А.Шаропов эса поэтик рамзларнинг метафорага нисбатан мураккаб тузилишга эга эканлигини таъкидлаб, агар оддий метафора қисқартирилган ўхшатиш бўлса, поэтик рамзда мураккаб зоҳирий композиция мавжудлигини қайд қилади.²² Ушбу таърифлар негизида метафора – содда, символ эса мураккаб кўчимдир, деган қараш ётади.

Символнинг мураккаблиги шундаки, унда рамзий вазият, рамзий лавҳа ва рамзий шароит ассоциатив равишда намоён бўлади:

Олма пишганда келинг,
Тагига тушганда келинг,
Орқа сочим жамалак,
Белга тушганда келинг.²³

Анъанага кўра, олма севги-муҳаббат рамзи сифатида тилга олинади. Тўртликда унинг пишиши, тагига тушиши балоғатга етганликни англатади. Жамалакнинг белга тушиши ҳам балоғатга етиб, турмуш қуриш истагига ишорадир. Бундай олиб қараганда, дастлабки икки сатрда рамзий вазият ва лавҳа намоён бўлади. Буларнинг ҳаммаси поэтик контекстдаги рамзий ифода мураккаб жараён орқали амалга ошишини кўрсатади. Тўртликдаги символик образ қилиб олинган предметлар – олма, соч, жамалак каби ифодаларда ижтимоий-маиший идеаллар акс этган.

Метафорада эса бошқача тамойил кўзга ташланади. Бу восита иккита предметдаги ўхшашликни солиштириш жараёнида рўёбга чиқади:

Қизилингни қирдай қил,
Сомонингни тоғдай қил,
Туёғингдан майда қил,
Майда, ҳе майда (Оқ олма, қизил олма. – Б.197).

Ушбу тўртлик янчиқ кўшиқларига мансуб бўлиб, буғдой янчиш жараёнида ижро этилган. Буғдойнинг ранги қизғиш бўлганлиги сабабли биринчи мисрадаги «қизил» сўзи ранг ўхшашлиги асосида метафорани юзага келтирган.

Символнинг ёндош турларидан яна бири образли параллелизмлардир. Унда табиат лавҳаларидан танланган мисралар моҳияти пастки қатордаги сатрларда янада конкретлашади, лирик қаҳрамоннинг ҳақиқий мақсадини очиб беришда рамзий лавҳа ролини ўтайди.²⁴ Бундай олиб қараганда, образли параллелизмлар учун табиат тасвири ифодаланган лавҳалар гўёки рамзга ўхшаб кетади. Бироқ, ушбу лавҳалар том маънода рамз даражасига кўтарила олмайди:

Ҳавони туман босди,
Ойни кўргали бўлмас.
Кўнглимни гумон босди,
Ёрни кўргали бўлмас (Оқ олма, қизил олма. – Б.34).

Тўртликнинг юқоридаги икки мисрасида «туман» ва «ой», пастки қаторларида «гумон» ва «ёр» сўзлари алоҳида предметлаштирилган ҳамда ўзаро

²¹ Турдимов Ш. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Тошкент, 1987. – С.13.

²² Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. – Б.51.

²³ Оқ олма қизил олма / Ўзбек халқ ижоди. Тўпловчи М.Алавия. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат», 1972. – Б.47 (Бундан кейин ушбу манбадан олинган мисолларга «Оқ олма, қизил олма» тарзида ҳавола берилади – Н.С.).

²⁴ Лазутин С.Г. Русские народные песни. – М.: Просвещение, 1965. – С. 40.

параллел образлар доирасига тортилган. Ҳавонинг беғуборлигини қоплаб олган туман ой юзини кўрсатмагани каби, ошиқ кўнглида туғилган гумон ёрни кўришга имкон бермайди. Кўринадики, лирик қаҳрамон қалбидаги иқроор биринчи икки қаторда зоҳир бўлади ва кейинги қаторларда ўша фикр ёритиб берилади. Образли параллелизмларга хос асосий хусусиятлардан бири уларнинг жуфтлик ҳолида намоён бўлишидир.

Диссертацияда поэтик символга ёндош бўлган метафора, метонимия, синекдоха, фразеологик иборалар, параллелизмлар, пейзаж, жонлантириш, аллегория каби кўплаб тасвирий воситалар негизда мажоз ётиши асосланган. Поэтик символлар ушбу тасвирий ифодалар орасида предмет маъносини ёритиб беришда ўз мураккаблиги ва ички яширин маънога эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Оилавий-маиший маросим кўшиқларидаги поэтик рамзларнинг функционал табиати**» деб аталган. Унинг «**Қадимги инонч-эътиқодлар ва поэтик рамзлар семантикаси**» номли дастлабки фаслида маросим лирикаси тизимидаги поэтик рамзларнинг шаклланишида қадимий культлар, мифологик тасаввурлар ва инонч-эътиқодларнинг ўрни тадқиқ этилган. Мифология ва маънавий қадриятлар тизимини ўрганувчи тадқиқотчилар қадимги маданиятнинг ўзагини бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғланган миф ва маросимлар ташкил этади, деб ҳисоблайдилар.²⁵ Ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда маросим кўшиқлари таркибидаги рамзий ифодаларни ҳам мифологик дунёқарашдан ажратган ҳолда текшириб бўлмайди. Жумладан, ўсимлик, дарахт ва жониворларнинг серпуштлиги аёлларнинг серфарзандлигига ижобий таъсир кўрсатади деган ишонч-эътиқод асосида келиб чиққан ҳосилдорлик топинчларида муҳим ўрин тутган халқ қарашлари кўшиқларда қайта поэтик идрок этилиши етакчи поэтик рамзларни юзага келтирган.

Қадимги магик инонч-эътиқодларнинг халқ кўшиқларидаги бадий талқинларидан бири «кўз тегиши» билан боғлиқ поэтик рамзларда кўзга ташланади. Халқ қарашларига кўра, ҳасадгўй кишиларнинг кўз тикиши муваффақиятсизликка олиб келади, деган тасаввур турли магик ҳимоя воситаларини ишлатиш анъанасини келтириб чиқарган. Хоразм воҳасида магик восита сифатида бошга қадаладиган жиға, уқпар, дудор каби бир қанча нарсалар борки, улар қуш пати билан алоқадор анимистик-тотемистик тасаввурларга боғланиб кетади. Қуш патининг магик хусусиятга эгаллиги ҳақидаги мифик тасаввур қадимий бўлиб, «Авесто»да ҳам қайд қилинган.²⁶ Қуш пати ёки унинг бирор аъзосига эга бўлиш ўша қуш ҳомийлигидан фойдаланиш имкониятини беради, деган тасаввурлар жаҳоннинг бошқа халқлари мифологиясида ҳам мавжуд.²⁷ Халқ кўшиқларида бу қадимий инончларнинг излари кўп учрайди:

Бошима осганим қора жиғади(р),
Орасида хилпиллайди бир тори,

²⁵ Мелетинский Е.М. Введение в историческую поэтику эпоса. – М.: Наука, 1986. – С. 14.

²⁶ Авесто: яштлар (М.Исҳоков таржимаси) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. – 2-сон. – Б. 76.

²⁷ Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1986. – С. 192.

Беақл вақтимда тутдим дўст-ёри,
Энди уялтирар ёшлик хаёли (ХХҚ. – Б.194).

Мифологик тасаввурларга кўра, қора ранг куч-қудрат тимсоли ҳисобланади. Шу боис, халқ наздида қора жиға қудратли магик восита бўлиб, ёвуз кучларни даф қилиш хусусиятига эга, деб қаралади.

Халқ кўшиқларида рақамлар билан боғлиқ магик тушунчалар ва рамзий образлар ҳам муҳим ўрин тутди.²⁸ Масалан, 2 рақами кўшиқларда жуфтлик анъанаси билан боғлиқ ҳолда истифода этилади. Баъзан шу маънони англатувчи «кўша», «жуфт» сўзлари ҳам бадий восита вазифасида келиши кузатилади. Кўшиқ матнидаги «кўша-кўша хол» маъшуканинг гўзаллигини билдиради:

Бизнинг ёрни бармоғида боли бор,
Чаккасида кўша-кўша холи бор,
Биздан ҳам севгили севар ёри бор,
Келавер, кўзингдан, кўрқма изингдан (ХХҚ. – Б.83).

Хоразм воҳаси никоҳ тўйларида келиннинг уйига патир ва қатлама жўнатишда «тўққизлик» анъанасига риоя этилади. Маросимларда «тўққиз» рақами миқдор ва муддатнинг рамзий ифодаси маъносида қўлланилиши кўшиқларда ҳам ўз аксини топган.

Халқ лирикасида «олма» детали оила ва фарзанд тимсоли сифатида талқин қилинишини ҳисобга олсак, бу кўшиқдаги «бир тўққиз олма» бирикмаси серфарзандлик ва кут-барака ғоясининг поэтик эквиваленти сифатида мўл-қўлчилик ва фаровон ҳаётга тимсол қилинган. Учинчи мисрадаги «қўл рўмол» бирикмаси ҳам контагиоз магияга алоқадор детал бўлиб, муҳаббат ифодасига тимсол ўлароқ ишлатилган.

Халқ кўшиқларида олов билан боғлиқ ўт, тутун, чироқ, ўчоқ, шам, чўғ, кул каби поэтик рамзлар фаол ишлатилади. Буларнинг барчаси оила, севги ва никоҳ тушунчалари билан ёнма-ён келади. Кўшиқларда ўт-олов поклаш, тозалаш ва меҳр-муҳаббат рамзи сифатида тилга олинади. Шу сабабли Хоразм воҳасида келин минган уловни ўт устидан ўтказиш, гўшангага чироқ ёққан ҳолда келиш, бешикни ўт айлантириб инс-жиндан тозалаш, исириқ тутатиш каби удумлар сақланиб қолган. Кўшиқларда ҳам ўт-олов тимсоли ишқ-муҳаббат рамзи сифатида тасвирланади:

Эгнимда кўйлагим бутуни йўқдир,
Ишқингда ўтимнинг тутуни йўқдир.
Ичимни ўтина тандир қизади,
Кўзимнинг ёшина ўрдак сузади (ХХҚ. – Б.109).

Маълумки, тутунсиз олов ловуллаб ёнади, ўтнинг тутуни йўқлиги эса лирик қаҳрамон ишқининг беҳад юксаклигини кўрсатади.

Кўшиқлар матнидаги «ёниш», «куйиш», «доғлаш» сўзларининг барчаси олов ва унинг атрибутлари билан алоқадор бўлиб, уларнинг барчаси ишқ-муҳаббат тушунчасига боғланади. Шунингдек, севги-муҳаббат тушунчасига ишора қиладиган ўчоқ, кул, чироқ, чўғ каби сўзлар ҳам ўзининг туб маъносидан ташқари поэтик тимсол сифатида «олов» тушунчасига бориб тақалади. Ёқилган

²⁸ Жўраев М. «Сехрли» рақамлар сири. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1991. – Б. 5.

ўт ҳам, тутун ҳам севгини англатади. Контагиоз магия қонунига кўра, олов қаерда ёқилмасин, тутуни доимо у билан алоқада бўлади. Поэтик жиҳатдан эса олов ва тутун севишганларнинг руҳий ҳолатини ифодалайди. «Ўчоқ» сўзи ҳам айрим поэтик контекстда оилани билдиради, оила эса севги-муҳаббат асосига қурилади:

Ўчоқ бошида турган қиз,
Сочини майда ўрган қиз.
Жамалагини эша олмай,
Эшиб қўйинг, деган қиз.²⁹

Бу кўшиқда «ўчоқ» сўзи оилага ишора бўлса, «сочни майда ўриш», «жумалакни эшолмаслик», «эшиб қўйинг дейиш» – буларнинг барчаси балоғат ва никоҳ тушунчаларини англатувчи рамзий ифодалардир.

Бундан ташқари, диссертацияда халқ кўшиқларидаги «соч» поэтик образининг севги, гўзаллик, оила ва фарзанд рамзи сифатида қадимий мифологик тасаввурларга боғлиқлиги, сочга қўл текизиш севги изҳор қилишнинг тимсоли эканлиги, бу поэтик тимсоллар замирида халқимизнинг серфарзандлик билан боғлиқ тушунчалари ва ҳосилдорлик культларига дахлдор қарашлари ётиши далилланган.

Ушбу бобнинг «**Тўй маросимига алоқадор поэтик рамзлар**» деб номланган иккинчи фасли, фарзанд туғилиши билан алоқадор поэтик рамзларнинг Хоразм кўшиқларидаги бадий талқинини ўрганиш билан бошланган. Халқ кўшиқлари энг қадимий жанрлардан бири бўлганлиги сабабли унинг таркибида оила ва никоҳ билан алоқадор рамзий ифодалар кўп учрайди. С.Рўзимбоевнинг таъкидлашича, Хоразм воҳаси халқ кўшиқларида чироқ, шам, ўчоқ, қозон каби сўзлар оила тимсолини англатади.³⁰ Халқ лирикасидаги «қозон» детали ҳам олов тимсолига бориб боғланади. Унда олов воситасида овқат тайёрланади, овқат эса оила тўкинлигини таъминлайди. Ўша тушунчага монанд ҳолда халқ лирикасида қозон ризқ-рўз, қут-барақа ва оила барҳаётлиги рамзи сифатида тасвирланади:

Сарҳовуз бўйида икки созанда,
Ёримнинг пойини қўйдим қозонда.
Ёр келмади, йўл қарадим азонда,
Ҳар ерда бўлсанг ҳам, бу кўнгил санда (ХХҚ. – Б.182).

Кўшиқнинг иккинчи мисрасидаги «пой» сўзи Хоразм шевасида «улуш» маъносини англатади.

Қудаларнинг олдига пешвоз чиқиб, уларнинг пешонасига ун суртиш, қадамларига кепак сепиш, келин хонадонидан чироқ билан бирга товоқда ош олиб чиқиш ва уни куёв хонадонига келтириш каби удумлар ҳам рамзийлик билан алоқадордир:

Гўшагана тегидан,
Товоқ олинг, ёр-ёр.

²⁹ ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. №1636. – Б. 221.

³⁰ Рўзимбоев С. Хоразм дostonларининг спецификаси, типологияси ва поэтикаси: Филол. фан. д-ри дисс... – Тошкент, 1990. – Б. 322.

Келинбика тилидан,
Сўроқ олинг, ёр-ёр (ХХҚ. – Б.92).

Арава тагига кепак сепиш (айрим жойларда ун ҳам сепилади) ризқ-рўз ва серфарзандлик тимсоли бўлса, ун оқлик ва тўқлик ифодасидир. Бу тимсолий тушунчалар негизида ҳам ҳосилдорлик культлари ётади.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли «**Аза маросими билан боғлиқ рамзлар**» деб номланган.

Фарзанд туғилиши ва никоҳ тўйи маросимларда ижро этиладиган кўшиқларда кўлланиладиган рамзий ифодалар тизимидан фарқли равишда мотам маросими айтимларида ҳам ўзида хос поэтик символлар силсиласи мавжуд. Мотам маросими кўшиқларида аксарият ҳолларда бирикмали шаклда кўлланиладиган «ўчган чироқ», «синган пиёла», «йиқилган чинор» каби поэтик рамзлар кўлланилиб, асосан, қайғу ва ғам-аламни ифодалаб келади. Аза кўшиқларида кўлланиладиган «ёғоч от», «чўбин от» (ёғочдан ясалган от) каби бирикмалар тобутнинг рамзий ифодасидир:

Ёғоч отга эгар кўйдим,
Жиловдор бўлмади ҳеч ким.
Охиратга йўл бошладим,
Тавалло қилмади ҳеч ким.³¹

Рус олими Р.С.Липецнинг маълумот беришича, илгари туркий халқлар ўликни кўлда кўтариб бориб дафн қилганлар. Кейинчалик мурдани ёғочдан ясалган замбилсимон мосламага солиб, икки от ўртасидаги арқон устига кўйиб, дафн қилинадиган жойга элтганлар. Шу анъана асосида тобут пайдо бўлган. Туркий халқлар достонларида ишлатиладиган «оғоч от» (ёғоч от) бирикмаси маййитни мазорга элтувчи отлар билан алоқадордир.³² Дарҳақиқат, қадимда асосий уловлардан бири от бўлган. Шу сабабли мурдани тобутда олиб бориб дафн қилишда «улов» вазифасини тобут бажаради. Ана шу икки объектнинг ўзаро вазифадошлиги асосида поэтик кўчим юзага келган.

Шунингдек, халқ кўшиқлари поэтик матнидаги «чироқ ўчиши», «чинордан айрилиш», «шамчироқнинг ўчиши», «қанотнинг қайрилиши», «арқоннинг узилиши» каби барча бирикмалар негизида ўлим тушунчаси ётади. Шунингдек, диссертацияда мурдани кафанлаш, лаҳадга дафн этиш, азадорликни англатувчи рамзий тасвирлар, мотам маросимига ислом дини таъсирида шаклланган удумлар билан боғлиқ рамзларнинг халқ кўшиқларидаги бадиий ифодаси таҳлилига ҳам кенг ўрин берилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Лирик кўшиқларда поэтик рамз**» деб аталган бўлиб, унинг «**Осмон ёритқичлари ва йил фаслларига алоқадор рамзий ифодалар**» номли илк фаслида самовий ёритқичларнинг халқ лирикасида бадиий восита сифатида хусусиятлари таҳлил қилинган. Хоразм воҳасида тарқалган кўшиқларда ҳам ой билан куёш рамзи фаол кўлланилади. Хусусан, ой образи поэтик матнда бахт, омад ва ёр тимсоли вазифаларида намоён

³¹ Бўзлардан учган ғазал-ай (ўзбек халқ йиғи ва йўқловлари). Нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, Д.Ўраева. – Бухоро: «Бухоро», 2004. – Б. 100.

³² Липец Р.С. Отражение погребального обряда в тюрко-моногольском эпосе // Обряды и обрядовый фольклор. – М.: Наука, 1986. – С. 226.

бўлади. Халқ лирикасида рўмолнинг ўзи муҳаббат рамзи бўлиб, унинг ўртасидаги ой шакли поэтик тимсолни яна конкретлаштиради. Ой рамзи ўзида бахт ва шодлик тушунчаларини ҳам мужассамлаштиради.

Қўшиқ лирик қахрамони наздида осмондаги юлдузлар бахт ва севги рамзидир. Шу боис, қўшиқларда юлдузлар тилга олинганда оила, бахт ва севги назарда тутилади:

Қошингни тагида ўйнайди кўзинг,
Тўлишган ойларга мангзайди юзинг.
Шакардан мазоли сўзлаган сўзинг,
Юлдузимга дуч келгай-да юлдузинг (ХХҚ. – Б.190).

Қўшиқ матнида «юлдуз» сўзи «тақдир» маъносида қўллангани ҳолда, икки тақдирнинг қўшилишини севги ва никоҳга боғлайди; севги-муҳаббатга дуч келган қалб эгаси юлдузлар билан мулоқотга киришишни истайди, уларни муҳаббат рамзи сифатида тан олади. Шунингдек, қўшиқларда чакмоқ чақиши севгини аланга олдириш маъносини беради. Демак, куёш, ой ва юлдузлар билан боғлиқ турли инончлар негизида шаклланган поэтик размлар севги, оила, никоҳ ва фарзанд тушунчаларини ифодалашга хизмат қилади.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли «**Табиат олами билан алоқадор рамзлар**» деб аталган.

Маълумки, инсон табиат бағрида яшар экан, ўзини унинг ажралмас бир бўлаги сифатида тасаввур қилиб келганлиги боис, ўсимликлар, ҳайвонот ва қушлар олами билан боғлиқ рамзий образ ва поэтик воситалар халқ қўшиқларига чуқур сингиб кетган. Ана шундай поэтик тимсолга айланган тушунчалардан бири сув билан алоқадор рамзий ифодалардир. Хоразм воҳасидаги ҳосилдорлик инончлари орасида сув култи жуда кенг тарқалган бўлиб, зардуштийлар эътиқодича, олов, сув, ер ва ҳаво Ахура Мазда томонидан яратилган.³³ Элшунос Г.П.Снесаревнинг ёзишича, муқаддас сув тушунчаси Марказий Осиё халқларининг қадимий культларидан бири ҳисобланади.³⁴ Сувнинг қўшиқларда ҳовуз, дарё, ёп, чашма каби атрибутлари ҳам кўп ишлатилади:

Улли ёпдан оққан пиёламакан,
Бизнинг ёр келмака уёламакан?
Буюрганим олти метр оқ шойи,
Ёки шойи топмай девонамакан? (ХХҚ. – Б.149).

Қўшиқларда сув ва унинг атрибутлари мазмунан севги, ёр, маъшуқа тушунчалари билан биргаликда берилади. Бинобарин, «..сув култи таъсирига кўра, ўзбек халқ қўшиқларида сув тилга олиними бас, у албатта фаровон турмуш, севги, оила, фарзанд ғоялари билан боғланади».³⁵ Сув ва унинг атрибутлари тўлалигича ҳосилдорлик инончларини ўзида акс эттиради. Хоразм қўшиқлари матнидаги сув рамзий образи ҳам шу қадар сермаъно бўлиб, халқ поэтик тафаккурининг ўзига хослигини намоён этади.

³³ Бобожонов Х., Сотлиқов А. «Авесто» – бебаҳо маданий мерос. – Хива, 2000. – Б. 33.

³⁴ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С. 193.

³⁵ Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари: Филол. фан. д-ри. дисс... автореф. – Тошкент, 1995. – Б. 33.

Мифологик тафаккурда инсон, ўсимлик, умуман, табиат яхлит мифопоэтик кодлар тизими сифатида идрок этилганлиги сабабли **ўсимлик дунёси ва дов-дарахтлар билан алоқадор рамзлар** Хоразм халқ кўшиқларида алоҳида ўрин тутди. Хоразмда дарахтларга жонли нарса сифатида мурожаат қилиш ҳоллари ҳозиргача учрайди. Масалан, икки-уч йил давомида мева бермаган дарахтни «эркак новдадан экан», деб унга «урғочи новда»ни пайванд қилишади. Шунга ўхшаш қатор инонч-эътиқодлар халқ кўшиқларида фитоморфик рамзларнинг юзага келишига асос бўлган. Масалан, Хоразмда толнинг оқ ва қора турлари ўсиб, улар «оқ сўвит», «қора сўвит» деб номланади. Халқ қарашларича, қора сўвит магик характер касб этиб, даволаш ва поклаш хусусиятига эга:

Сарҳовуз бўйлари қора тол экан,
Кирганда-чиққанда лозазор экан.
Бўйини кўрсатиб ўтди бир бола,
Ўрта бўйли, қора паранг ёр экан (ХХҚ. – Б.195).

Кўшиқ матнидаги поэтик контекстда сўвит соясидаги йигит образининг ифодаланиши замирида севги тушунчаси ётади. Сув бўйидаги дарахт тилга олинганда сўвит номининг қайд қилиниши унинг магик хусусиятга эга эканлиги билан боғлиқ. Қолаверса, халқ лирикасидаги тол тимсоли севги семантикаси билан боғлиқ бўлиб, унинг ўзак маъноси йигит образига тўғри келади.³⁶

Хоразмда яратилган кўшиқларда терак, гужум, қоромон, жийда, илиштирик каби кўплаб дарахт номлари учрайди. Уларнинг айримлари поэтик рамз даражасига кўтарилган. Гужум гуж ва чиройли бўлиб, чўгирма шаклида ўсганлиги учун оила ва серфарзандлик тимсоли сифатида эъзозланиб, эшик олдида, кўпинча ҳовуз бўйига экилади. Кўшиқларда гужум деталининг ишлатилиши ҳам ана шу мифопоэтик тасаввурларга асосланади:

Азон билан чиқдим гужум тагина,
Қора бола кириб кетди уйна,
Билмасликдан тегдим анинг кўнглина,
Айланаман сендан, айрилма мендан (ХХҚ. – Б.185).

Халқ кўшиқларида олма рамзи ҳам жуда фаол ишлатилади. Ушбу рамз ҳақида гапирганда мева тушунчасигина эмас, балки дарахт маъносини ҳам бирга олиб қараш лозим. Чунки олма дарахти ҳам хосиятли ўсимлик ҳисобланиб, никоҳ тўйларида унинг шохидан олинган қаламчалар гўшанганинг боғичига маҳкамланади. Фарзанд туғилиб, уни бешикка белашда эса қўлбоғларнинг боғичига ҳам ушбу дарахтдан олинган қаламчалар бириктирилади. Бу удумларда «олма» балоғатга етиш, севги, оила рамзи сифатида кўзга ташланади. Шу сабабдан ҳам у ҳосилдорлик инончларига бориб боғланади.³⁷ Хоразмда бир вақтлари Хива атрофидаги Баворис бобо қабристонини яқинида ҳар йили «Қизил гул» байрами ўтказилиб, унда йигитлар ўз севган қизларига олма отишган.³⁸ Ушбу одат келини куёвнинг уйига тушириб келаётган пайтда ҳам қўлланилиб, уни «олма отишган» номи билан юритишган. Бу жараёнда тушаётган келинга

³⁶ Турдимов Ш. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1987. – С. 10.

³⁷ Мусакулов А. Ўзбек халқ кўшиқларининг тарихий асослари. – Тошкент, 1994. – Б. 32.

³⁸ Снесарев Г.П. Реликты домусулманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С. 206.

қайнона олма отган бўлиб,³⁹ олма отишнинг мазкур кўриниши фарзанд рамзи билан боғланиб кетган. Халқ кўшиқларида олма – ошиқ, нор (анор) эса маъшуқа рамзида келади:

Эшигимдан ўтар бўлсангиз борман,
Сиз олма бўлсангиз, ўзим анорман.
